

М У Н Д А Р И Ж А

- 1. ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ.**
 - 2. КИРИШ.**
 - 3. ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ.**
 - 4. ЛОЙИҲАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ**
 - 5. SWOT ТАХЛИЛИ**
 - 6. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ**
 - 7. ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ**
 - 8. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**
 - 9. КОРХОНАНИНГ БИР ЙИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ**
 - 10. КОРХОНАНИНГ ДАРОМАДЛАРИ**
 - 12. ХУЛОСА**
-

ЛОЙИХАНИНГ КИСҚАЧА ШАРХИ

Лойиҳанинг қисқача мазмуни:	Коворкинг марказини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойиҳаси	
Лойиҳа ташаббускори:	Уракова Мухаббат Сунатуллаевна	
Ташкилот раҳбари: (Паспорт маълумотлари):	27.10.1981 йилда тугилган, Самарканд вилояти, Иштихон тумани, Ўртақишлоқ маҳалласида истикомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси – Уракова Мухаббат Сунатуллаевна , 24.01.2015 йилда Самарканд вилояти, Иштихон тумани ИИБ томонидан берилган.	
Рўйхатдан ўтган санаси:	Самарканд вилояти, Иштихон тумани, Давлат хизматлари маркази томонидан 06.07.2017 йил куни рўйхатга олиниб, Давлат реестрига № 5599355 - сон билан киритилган ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги Гувоҳнома берилган	
Фаолият манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Самарканд вилояти, Иштихон тумани, Ўртақишлоқ маҳалласи	
ЯТТ реқвизитлари:		
Банк		
Хисоб рақами		
МФО		
ИНН	579488072	
Лойиҳа суммаси:	4 00 000 000 сўм	
Банк кредити ҳисобидан	100 %	4 00 000 000 сўм
Ўз маблағи ҳисобидан	0 %	0 сўм
Кредит шартлари:		
Кредит муддати	3 йил	
Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси	7 %	
Кредитнинг имтиёзли муддати	36 ой	
Лойиҳанинг тўла ўзини оқлаш муддати	2 йил	
Лойиҳа суммаси	4 00 000 000	
Яратиладиган янги иш ўринлари сони	15 та	

КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига **“бозор иктисодиётига асосланган, очик ташки сийёсатга эга булган кучли ҳукукий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”**дек олий мақсадни кузлаб, узининг янги тараккиёт йулини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар каторига кушилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Yoshlar – kelajagimiz”** Давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 27 июндаги ПФ–5466-сонли Фармонида **“Yosh tadbirkorlar”** коворкинг-марказларини қуриш ва фаолиятини ташкил этиш асосий йўналишлари этиб тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, шунингдек республикамызнинг туман ва шаҳарларида тадбиркорликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Кузланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган **“Ўзбек модели”** асосида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси** (Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини

таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)нинг барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинмиши, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий куллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари мустикалликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг кўпгина тараккий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада купайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган купгина вазифаларни амалга оширишга уз хиссасини кушади. Энг мухими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни саклаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон куйдиради. Ишлаб чиқариш ҳам бошка барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараккий этади.

Энг мухими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тулдириб, Узбекистон давлати мустикалликка эришгач уз олдиға куйган олий мақсад яъни **“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга булган кучли хуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”** борасида узокни кузлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараккийетини таъминламоқда.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Тадбиркорнинг асосий фаолияти хотин-қизларни ҳаётга тайёрлаш, маданиятга ўргатиш, ташқи кўриниши, ички олами, онги устида ишлашга мўлжалланган ҳамда психология, уй хамшираси, паззандачилик, йога, фитнес билан шуғулланиш, тикувчилик, дизайнерлик, замонавий техникага ўргатиш, уларни бандлигини таъминлашга қаратилган қоворқинг марказини ташкил этиш ва маиший хизмат кўрсатишдан иборат.

Тадбиркор томонидан мазкур фаолиятни амалга ошириш учун «_____» банк Самарқанд вилояти Иштихон туман филиали маблағи ҳисобидан 1 000 000 000 (Бир миллиард) сум миқдорда йиллик 7 % устамаси билан 5 йил муддатга 12 ойлик имтиёзли давр билан кредит маблағи зарур ҳисобланади

Лойиха Республика иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш талабларига жавоб беради. Яъни:

- Хотин-қизларни бандлигини таъминлаш;
- Хотин-қизларга “Оила” тушунчасини сингдириш ҳамда оилавий турмушини мустаҳкамлаш ;
- Хотин-қизларни бўлажак турмушга тайёрлаш, “Она мактаби”ни ташкил қилиш;
- Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш уларни ишбилармонлик муҳитига йўналтириш;
- Замонавий ўқув тренинглари ташкил этиш;
- Хотин-қизларни мустақил фикрлашга, маданиятга ўргатиш;
- Оилавий даромадини ошириш;
- Хотин-қизларни ички ва ташқи дунёсини гўзаллаштириш.

Лойиха амалга оширилиши натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш; оилавий даромадни кўпайтириш, тадбиркорлик тармоқларини янада кенгайтиришг эришилади.

Жадвал № 1

	Мижозлар	Талаблар	Бизнинг хизматимиз
Бугун	Маҳалла хотин-қизлари	Сифатли хизмат кўрсатиш	Ўқув маркази ва хизмат кўрсатиш мажмуаси

Лойиханинг устуворлиги ва фойдаси

- Тадбиркорликни ривожлантириш
- Янги иш ўринларини яратиш

Тадбиркор ушбу соҳада малака ва чет эл тажрибасига эга эканлиги ҳисобга олган ҳолда замонавий ҳамда миллий талабларига жавоб берадиган коворкинг марказини ташкил этиш ва ушбу хизматга бўлган талабни имкон қадар қондириш учун хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хотин-қизларга маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Лойиха жами қиймати 1 000 000 000 сумга тенг миқдордаги қурилиш, жиҳозлаш ва хом ашёга сарфланиши кўзда тулади.

ЛОЙИХАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Вилоят ҳудудида 3700,0 минг аҳолида аҳоли яшайди. Иштихон тумани ҳудудида 234,0 минг аҳоли истиқомат қилиб, шундан шаҳар жойларда – 65 463 киши (эркаклар – 33 086, аёллар – 32 377), қишлоқ жойларда – 166 953 киши (эркаклар – 83 680, аёллар – 83 273) ташкил этади. Хотин-қизларга коворкинг ва маиший хизмат хизмат кўрсатиш фаолияти олиб борилиши Иштихон тумани марказида жойлаштириш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда хотин-қизларнинг ушбу хизмат кўрсатишга бўлган талаби кундан кунга ортиб бормоқда. Тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйган ҳолда нисбатан арзон баҳода сифатли ҳар хил турдаги хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тадбиркор томонидан коворкинг ва маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш учун ўз маблағлари етишмаслиги сабабли, бинони қуриш, ички қисмини жиҳозлаш ва хом ашё сотиб олиш учун кредит маблағлари зарур ҳисобланади. Тадбиркор миждозларга ўз вақтида

сифатли хизмат кўрсатиш ва бунинг натижасида даромад олиш, олинган даромаддан кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш кўзда тулади.

Тадбиркор томонидан каворкинг ва хизмат кўрсатиш фаолиятини йулга қуйиш, хизмат кўрсатиш орқали юқори самарадорликга эришган ҳолда кредит суммасини қайтариш қобилиятига эгадир. Тадбиркор ушбу фаолиятга меҳнатга лаёқатли 25 нафар мутахасислар ишга жалб қилиб, натижада 25 та янги иш ўринлари яратишни режалаштирган.

Тадбиркор ўз фаолиятини олиб бориш асосида хизмат кўрсатишнинг такомиллашувига ва ривожланишига асосий эътиборини қаратади.


Тадбиркор томонидан олинган кредит маблағининг мақсадли фойдаланиши, кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда банк муассаси ва солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш давомида ташқи муҳит таъсирида носоғлом вазиятлар келиш эҳтимолини бартараф этиш учун белгиланган тартибда ветеринария хизмати, санитария эпидимология инспекциясини ва суғурта ташкилоти билан ўзаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида рекламадан фойдаланиб, аҳолининг хизмат кўрсатишга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб борилади.

Натижада қуйидаги кўрсаткичларини ташкил қилади;

СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ



1) Бошка вилоят тадбиркорлик субъектлари

2) Маҳаллий тадбиркорлар

3) Маҳаллий харидорлар

Ракобатчилар тахлили

Жадвал № 2

Ракобатчилар номи	Давлат номи	Нархи
Иштихон туманидаги ушбу турдаги маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар	Ўзбекистон	Урта

МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4P»

Жадвал № 3

Produkt-Махсулот Сифатли маиший хизмат кўрсатиш	Price-нарх Нарх ҚЎЙИШ тамойили харидорларнинг талабидан келиб чикиб белгиланади.
Place-Жой Бизнес худуд-Тадбиркор Самарқанд вилояти, Иштихон туман хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилда аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.	Promotion -Ҳаракатланиш тадбиркор ўз пештахта, афишалар, телевидения орқали реклама ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг расмий веб сайтидан ҳамда www.olx.uz глобал тармоги орқали мижозни ўзига жалб этади.

SWOT ТАХЛИЛИ

Жадвал № 4. Хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги. ✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик ✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ✓ Рақобатбардошлилик ✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ташки омилларга таъсирчанлик ✓ Харидорлар ишончини ва хизмат кўрсатиш кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар ✓ Дастлабки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Четдан қушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги ✓ Хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг кўплиги ✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва қупайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Юзага келиши мумкин бўлган ғирром рақобат ✓ Дастлабки вақтда хизмат кўрсатишни ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар. ✓ Ва. х. к..

ИШЛАБ ЧИКАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ

ИШЧИ РЕСУРСЛАРГА ЭХТИЁЖИ

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 25 кишини ташкил килади. Ишчиларининг иш вақти 12 соатлик ҳафтасига 6 иш кунини тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вақти ҳисобида бўлади.

Ишчи кучи учун туланадиган иш хақи №8 жадвалда келтирилган.

ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГОРЕСУРСЛАРИГА БУЛГАН ТАЛАБИ

Иштихон туманида қурилиши режалаштириладиган мажмуа биноси келажакда барча коммунал тармоқларга уланишига барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу корхона шаҳар инфратузилмасига яқин жойлашган ва барча турдаги транспортлар ва болалар катнови йулга қуйилган. Бунда коммунал харажатлари № 10 жадвалда келтирилган.

СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИГИМЛАР

Хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан солиқ тўлови қатий белгиланган солиқ тўловини тўлайди.

ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 5. Кредит ҳисобига сотиб олинadиган асбоб-ускуналар ва хом ашё ресурслари

№	Номланиши	Ул.бир.	Сони	Нархи	Жами киймати
1	Каворкинг марказини жиҳозлаш ишларига	комплект	1	360 000 000	360 000 000
2	Каворкинг марказини қурилиш ишларига	комплект	1	600 000 000	600 000 000
3	Хом-ашё харажатлари	комплект	1	40 000 000	40 000 000
Жами инвестицион харажат					1 000 000 000

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

Жадвал № 6. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари

№	Номланиши	Жами харажат	Кредит ҳисобидан		Шахсий маблаг ҳисобидан	
			%	сум	%	сум
1	Каворкинг марказини жиҳозлаш ишларига	360 000 000	100%	360 000 000	0%	0
2	Каворкинг марказини қурилиш ишларига	600 000 000	100%	600 000 000	0%	0
3	Хом-ашё харажатлари	40 000 000	100%	40 000 000	0%	0
Жами			100%	1 000 000 000	0%	0
Ялли инвестицион харажат					1 000 000 000	

Жадвал № 7. Лойиха олди молиявий харажатлари

№	Номланиши	Ҳисоб базаси (сум)	Ҳисоб нормаси (% ҳисобида)	Харажат суммаси (сум)
1	Гаров таъминоти сугуртаси	1 000 000 000	0,2%	2 000 000
2	Ҳужжатларни расмийлаштириш учун нотариус туловлари	1 000 000 000	0,4%	4 000 000
3	Бизнес режани тайёрлаш харажатлари	1 000 000 000	0,1%	1 000 000
Жами лойиха олди молиявий харажатлари				7 000 000

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 8. Ишчи ҳақи ҳисоб китоби

№	Номланиши	Сони	1 киши учун	1 ой	1-йил
1.	Раҳбар	1	1 000 000	1 000 000	12 000 000
2.	Бухгалтер	1	800 000	800 000	9 600 000
3.	Юрист	1	800 000	800 000	9 600 000
4.	Бошқарувчи	1	800 000	800 000	9 600 000
5.	Паззандачилик бўйича мутахассис	1	700 000	700 000	8 400 000
6.	Психолог	3	700 000	2 100 000	25 200 000
7.	Тикувчилик бўйича мутахассис	1	700 000	700 000	8 400 000
8.	Шифокор	1	700 000	700 000	8 400 000
9.	Компютер мутахассиси	1	700 000	700 000	8 400 000
10.	Дизайнер	1	700 000	700 000	8 400 000
11.	Стилисть	1	700 000	700 000	8 400 000
12.	Спорт мураббийи	1	600 000	600 000	7 200 000
13.	Тикувчилар	3	600 000	1 800 000	21 600 000
14.	СПА салон ходимлари	2	600 000	1 200 000	14 400 000
15.	Кутубхона ходимлари	1	600 000	600 000	7 200 000
16.	Гўзаллик салони ходимлари	3	600 000	1 800 000	21 600 000
17.	Фаррош	1	500 000	500 000	6 000 000
18.	Қоровул	1	500 000	500 000	6 000 000
	Жами	25	12 300 000	16 700 000	200 400 000

Изоҳ: Ишчи ходимларни иш ҳақи корхонани молиявий ҳолатидан келиб чикиб, ўзгариб туради. Ушбу ҳолат тадбиркор томонидан амалга оширилади.

Жадвал № 9. Умумий иш ҳақи харажатлари

№	Номланиши	1 ой	1 йил
1.	Иш ҳақи	16 700 000	200 400 000
2.	Иш ҳақидан 12 % ажратма	2 004 000	24 048 000
	ЖАМИ:	18 704 000	224 448 000

Жадвал № 10. Коммунал Харажатлар

№	Номланиши	Сони	Сумма	1 ой	1-йил
1	Эл.энергия	240 кВтт	1000	240 000	2 880 000
2	Сув	625 м ³	205	128 125	1 537 500
3	Газ таъминоти	190 м ³	1000	190 000	2 280 000
Жами				558 125	6 697 500

Жадвал № 11. Бир ойлик бошқа харажатлари

№	Номланиши	Харажатлар суммаси
1	Кундалик хўжалик эҳтиёжи моллари харажатлари	1 240 000
2	Концелярия харажатлари	740 000
3	Интернет харажатлари (Wi-Fi)	650 000
4	Бошқа харажатлар	1 270 000
ЖАМИ:		4 900 000

КОВОРКИНГ МАРКАЗИ ДАРОМАДЛАРИ

ЎҚУВ КУРСЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ

Тадбиркор режалаштираётган коворкинг марказида қуйидаги замонавий ўқув курсларини ташкил этилади:

1. Психология йўналиши бўйича

- Маданият (этика эстетика) ўқув курслари;
- Оила фаравонлиги ўқув курслари;
- Хотин-қизларни бўлажак турмушга тайёрлаш ўқув курслари;
- Бўлажак оналикга тайёрлаш ўқув курслари.

2. Пазандачилик йўналиши бўйича

- Пишириқлар пишириш ўқув курслари;
- Миллий таомлар тайёрлаш ўқув курслари;
- Ва бошқа турдаги пазандачилик ўқув курслари.

3. Уй ҳамширалиги бўйича

- Биринчи тиббий ёрдам ўқув курслари.

4. Тикувчилик йўналиши бўйича

- Пардалар тикиш ўқув курслари;
- Кийим кечак тикиш ўқув курслари;

- Тўқимачилик ўқув курслари;
 - Ва бошқа турдаги тикувчилик ўқув курслари.
5. Дизайнерлик йўналиши бўйича
- Уй дизайнерлиги (интерьер) ўқув курслари;
 - Тикув дизайнерлиги ўқув курслари.
6. Компютер йўналиши бўйича
- Бухгалтерия (1С) ўқув курслари;
 - Компютер дастурларини ўргатиш ўқув курслари.
7. Ташқи гўзаллик йўналиши бўйича
- Стилисть ўқув курслари;
 - Сартарошлик ўқув курслари;
 - Педикюр ўқув курслари;
 - Маникюр ўқув курслари;
8. Тадбиркорлик йўналиши бўйича
- Тадбиркорлик тушунчаси ўқув семинари;
 - Ишлаб чиқариш фаолияти ўқув семинари;
 - Хизмат кўрсатиш фаолияти ўқув семинари;
 - Оилавий тадбиркорлик ўқув семинари.



Жадвал № 12. Ўқув курслари

№	Хизмат кўрсатиш турлари	Хизмат нархи	Ўқувчилар сони (ойлик)	Хизмат кўрсатишдан тушган сумма
1	Психология йўналиши	50 000	120	6 000 000
2	Паззандачилик йўналиши	50 000	90	4 500 000
3	Уй хамширалиги	50 000	30	1 500 000
4	Тикувчилик йўналиши	50 000	120	6 000 000
5	Дизайнерлик йўналиши	50 000	50	2 500 000
6	Компютер йўналиши	50 000	50	2 500 000
7	Ташқи гўзаллик йўналиши	50 000	120	6 000 000
8	Тадбиркорлик йўналиши	50 000	140	7 000 000
Жами				36 000 000

Изоҳ: Кам таъминланган, оилавий шароити оғир хотин-қизларга бепул ўқув курслари ташкил этилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ТУШГАН ТУШУМ

Жадвал № 13. Хизмат кўрсатиш

№	Хизмат кўрсатиш турлари	Хизмат нархи	Фойдаланувчилар сони (ойлик)	Хизмат кўрсатишдан тушган сумма
1	Йога йўналиши	50 000	50	2 500 000
2	Фитнес йўналиши	50 000	40	2 000 000
3	Психология маслаҳатхонаси	20 000	120	2 400 000
4	Тикувчилик хизмати	400 000	20	8 000 000
5	Гўзаллик салони хизмати	20 000	70	1 400 000
6	СПА салон хизмати	30 000	50	1 500 000
7	Кутубхона		Бепул	
Жами				17 800 000

КОВОРКИНГ МАРКАЗИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Жадвал № 14. Умумий даромадлар

№	Хизмат кўрсатиш турлари	Ойлик тушум	Йиллик тушум
1	Ўқув курсларидан тушган тушум	36 000 000	432 000 000
2	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	17 800 000	213 600 000
	Жами	53 800 000	645 600 000

КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

Жадвал № 15. Соф фойда.

№	Харажатлар номи	1-йилда	2- йилда (10% ўсиш)	3- йилда (15% ўсиш)	4- йилда (18% ўсиш)	5- йилда (20% ўсиш)
1.	Умумий тушум	645 600 000	710 160 000	742 440 000	761 808 000	774 720 000
2.	Коммунал хизматлар	58 800 000	64 680 000	67 620 000	69 384 000	70 560 000
3.	Бошқа харажатлар	6 697 500	7 367 250	7 702 125	7 903 050	8 037 000
4.	Иш ҳақи	224 448 000	246 892 800	258 115 200	264 848 640	269 337 600
5.	Таъмирлаш харажатлари	19 368 000	21 304 800	22 273 200	22 854 240	23 241 600
6.	Кўзда тутилмаган харажатлар 1 %	6 456 000	7 101 600	7 424 400	7 618 080	7 747 200
7.	Солиқ тулови 5 %	32 280 000	35 508 000	37 122 000	38 090 400	38 736 000
8.	Жами:	297 550 500	327 305 550	342 183 075	351 109 590	357 060 600
9.	Кредит туловларини кайтариш	70 000 000	311 979 127	294 479 130	276 979 133	259 479 336
10.	Асосий қисмидан	0	249 999 960	249 999 960	249 999 960	250 000 160
11.	Фоиздан	70 000 000	61 979 167	44 479 170	26 979 173	9 479 176
	Соф фойда	227 550 500	15 326 423	47 703 945	74 130 457	97 581 264

Коворкинг маркази иш фаолиятини йўлга қўйилиши билан давлат бюджетининг кўрсаткичлари янада ошишида ўз хиссасини қўшиб, пенсия, стипендия ва маошларнинг ошиши ва ўз вақтида олиш имкониятлари яратилади. Бу эса аҳолининг иш билан таъминланиши ва халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлиши ва фаровонлиги учун имконият ҳисобланади.



ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмокдаги лойиханинг соф рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда уртача **13 %**ни ташкил қилмокда.

Хулоса килиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва кредит маблағларини уз вақтида қайтарилиши ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, ҳудуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини қушади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб – китобларни ўрганиб чиқиб Уракова Муҳаббатнинг “Коворкинг” маркази ва маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун **1 000 000 000** (Бир миллиард) сўм миқдоридаги кредитни ўзлаштиришга қарор қилади ва бу кредитни мақсадли сарфланиши буйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

_____ (имзо) _____ сана «___» _____
2018 й.

М.У.